

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қандай нозил бўлар эди?



21:11 / 15.12.2017 5743

2726. *Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Ҳорис ибн Ҳишом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Сизга ваҳий қандай келади?» деб сўради.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аҳёнда худди қўнғироқдек жаранглаб келади, шуниси мен учун энг қийин. У кетганидан кейин мен у айтган нарсани ўзимда сингдириб олган бўламан. Гоҳида эса фаришта менга одам шаклида келиб, сўзлаб кетади ва унинг айтганларини англаб оламан», дедилар. Оиша:**

**«Батаҳқиқ, қаттиқ совуқ кунда у зотга ваҳий тушганини, (ваҳий) у кишидан ажралганда эса пешоналаридан тер оқаётганини кўрганман», деди».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

*2727. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Қачон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушса, оғирлашиб, юзлари оқариб кетар эди».**

*2728. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушса, бошларини қуйи солиб олар эдилар. Саҳобалари ҳам бошларини қуйи солиб олар эдилар. (Ваҳий) у зотдан очилганда бошларини кўтарар эдилар».**

*Иккисини Муслим ривоят қилган.*

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Ҳадис ва ҳаёт китобибидан)*